IX. ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-ҳиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматларнинг ҳажми

	Миқдори, (млрд.сўм)	*Ўсиш суръати, %*	*Жамига нисбатан %да*
Хизматлар – жами	**1 848,5**	**118,4**	**100,0**
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	93,9	110,1	5,1
молиявий хизматлар	383,3	197,3	20,7
транспорт хизматлари	306,1	102,1	16,6
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	295,7	101,5	16,0
яшаш ва овқатланиш хизматлари	55,5	111,2	3,0
савдо хизматлари	633,2	106,4	34,3
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	50,7	106,8	2,7
таълим соҳасидаги хизматлар	73,5	119,9	4,0
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	32,0	107,6	1,7
ижара хизматлари	39,7	101,3	2,1
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	49,7	101,4	2,7
шахсий хизматлар	55,5	101,2	3,0
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	26,8	129,4	1,5
бошқа хизматлар	48,6	104,7	2,6

Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (34,3 %), молиявий хизматлар (20,7 %), транспорт хизматлари (16,6 %) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (5,1 %) ташкил этади.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,5 %), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,7 %) ҳамда ижара хизматлари (2,1 %) эгаллади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби, фоизда

(2019 йил январь–июнь ойлари учун)



2019 йил январь-июнь ойларида кўрсатилган хизматлар ҳажмининг улуши (фоизда)



Бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги савдо хизматлари 34,3 % энг юқори улушни ташкил этади. Савдо оддий тақсимлаш механизмидан истеъмолчига йўналтирилган бозор талабларини шакллантириш жараёнларида фаол иштирокчига айланди. Ҳозирги вақтда, савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган жами хизматлар ҳажмининг сезиларли қисми ҳисобланади.

Савдо хизматлари таркибида чакана савдо (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) хизматлари юқори улушни ташкил этади – 79,3 % , Улгуржи савдо хизматлари 16,1 % ва Автомобил улгуржи ва чакана савдо хизматлари 4,6 % ни ташкил этди.

Туманлар кесимида савдо хизматларнинг ҳажми

	Жами		
	млрд.сўм	*2018 йил январь-июнга нисбатан %*	*Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %*
Жиззах вилояти	**633,1**	**106,4**	**100,0**
шаҳар:			
Жиззах	276,1	101,5	43,6
туманлар:			
Арнасой	10,2	114,9	1,6
Бахмал	28,8	112,5	4,6
Ғаллаорол	46,3	102,4	7,3
Шароф Рашидов	54,0	115,2	8,5
Дўстлик	70,0	107,8	11,1
Зомин	43,3	110,7	6,8
Зарбдор	17,4	114,6	2,7
Зафаробод	6,8	121,3	1,1
Мирзачўл	22,2	116,2	3,5
Пахтакор	27,2	112,1	4,3
Фориш	22,9	109,9	3,6
Янгиобод	7,9	108,1	1,3

Туманлар ўртасида савдо хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Зафаробод (121,3 %), Мирзачўл (116,2 %) Шароф Рашидов (115,2 %), Арнасой (114,9 %) ва туманларида қайд этилди.

Савдо хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Жиззах шаҳар (101,5 %), Ғаллаорол (102,4 %) ва Дўстлик (107,8 %) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуши, фоизда

(2019 йил январь–июнь ойлари учун)



Туманлар ўртасида савдо хизматлари бўйича юқори улушга эга бўлган Жиззах шаҳри (43,6 %), Дўстлик (11,1%), Шароф Рашидов (8,5 %), Ғаллаорол (7,3 %) ва Зомин (6,8 %) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улушга Зафаробод (1,1 %), Янгиобод (1,3 %), Арнасой (1,6 %) ва Зарбдор (2,7 %), туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматларининг таркиби, фоизда

(2019 йил январь–июнь ойлари учун)

Хизматлар таркибида савдо ва молия хизматларидан кейин транспорт хизматлари – 16,6 % улуш билан етакчилар қаторини эгаллайди. Юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар ҳажмининг ошиш омиллари янги бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспортининг улуши 16,0 % билан устунликка эга.

Туманлар кесимида транспорт хизматларнинг ҳажми

	Жами		
	млрд.сўм	*2018 йил январь-июнга нисбатан %*	*жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %*
Жиззах вилояти	**306,1**	**102,1**	**100,0**
шаҳар:			
Жиззах	66,0	102,9	21,5
туманлар:	0,0		
Арнасой	10,9	97,5	3,6
Бахмал	20,4	102,3	6,7
Ғаллаорол	31,9	103,9	10,4
Шароф Рашидов	60,1	104,0	19,6
Дўстлик	24,6	103,7	8,0
Зомин	13,9	102,1	4,5
Зарбдор	13,4	95,7	4,4
Зафаробод	10,0	101,0	3,3
Мирзачўл	17,5	100,3	5,7
Пахтакор	20,8	104,2	6,8
Фориш	13,7	95,3	4,5
Янгиобод	3,0	97,7	1,0

Туманлар ўртасида транспорт хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Пахтакор (104,2 %), Шароф Рашидов (104,0 %), Ғаллаорол (103,9 %) туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Фориш (95,3 %), Зарбдор (95,7 %), Арнасой (97,5 %) туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуши, фоизда
(2019 йил январь–июнь ойлари учун)



Туманлар ўртасида транспорт хизматлари бўйича юқори улуш Жиззах (21,5 %), Шароф Рашидов (19,6 %), Ғаллаорол (10,4 %), Дўстлик (8,0 %) ва Пахтакор (6,8 %) туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улуш Янгиобод (1,0 %), Зафаробод (3,3 %), Арнасой (3,6 %) ва Зарбдор (4,4 %) туманларида қайд этилди.

Ахборот технологияларининг ривожланиши замонавий инсоннинг турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир қилади. Йилдан-йилга одамлар Интернет ва мобиль телефонлардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқда. Замонавий бизнесни ривожлантиришда ахборот ва хизматлардан реал вақтда масофавий эркин фойдаланиш ҳуқуқи муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) давлат бошқаруви тизимида, иқтисодиётнинг тармоқларида, ижтимоий соҳа ва одамларнинг кундалик ҳаётида жорий этишни изчил амалга оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

2019 йил январь–июнь ойларида Жиззах вилояти бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 93,9 млрд.сўмга тенг бўлди. 2018 йил январь–июнь ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 110,1 % ни ташкил этди.

Жиззах вилоятида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиш суръати, фоизда
(2019 йил январь-июнь ойлари учун)



Жиззах вилоятида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан январь–июнь ойида ўсиш суръати (110,1 %) қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш (99,2 %) телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиль алоқа хизматлари, интернет, йўлдош алоқа хизматлари ва б.қ.) ҳисссасига тўғри келади.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, фоизда
(2019 йил январь–июнь ойлари учун)



Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вақтда ривожланишнинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодиётнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АКТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.

Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига кўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада, 2019 йил январь–июнь ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 383,3 млрд.сўмга тенг бўлди, ўсиш 197,3 % ни ташкил этди.

Жиззах вилоятида молиявий хизматларнинг ўсиш суръати, фоизда
(2019 йил январь–июнь ойлари учун)



Молиявий хизматларнинг таркиби, фоизда
(2019 йил январь–июнь ойлари учун)



Валюта сиёсатини эркинлаштириш, шунингдек, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш (кредит бериш ва депозит ҳисоб рақамларни очиш бўйича электрон хизматлар кўрсатиш) борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар молиявий хизматлар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши (89,7 %) устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта хизматларининг улуши 8,5 % ни, ёрдамчи молиявий фаолият 1,8 % ни ташкил этди.

Туманлар кесимида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматларнинг ҳажми

	Жами			*Аҳоли жон бошига*	
	млрд.сўм	*2018 йил январь-июнга нисбатан %*	*Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %*	*минг сўм*	*2018 йил январь-июнга нисбатан %*
Жиззах вилояти	**1 848,5**	**118,4**	**100,0**	**1 360,3**	**116,0**
шаҳар:					
Жиззах	1 019,2	124,8	55,1	5 817,4	122,7
туманлар:					
Арнасой	30,2	109,5	1,6	664,9	108,0
Бахмал	68,3	112,8	3,7	445,5	110,3
Ғаллаорол	107,7	109,4	5,8	639,4	107,3
Шароф Рашидов	162,5	111,5	8,8	754,5	108,3
Дўстлик	109,4	111,4	5,9	1 696,9	109,5
Зомин	97,7	111,6	5,3	608,2	109,2
Зарбдор	41,7	109,5	2,3	495,4	107,1
Зафаробод	24,6	112,4	1,3	500,1	110,3
Мирзачўл	51,1	111,1	2,8	1 008,1	108,7
Пахтакор	62,8	111,7	3,4	857,6	109,7
Фориш	58,3	114,9	3,2	638,9	113,2
Янгиобод	15,1	111,8	0,8	543,7	109,8

Хизматлар соҳасининг ривожланишида энг катта улуш Жиззах шаҳри (55,1 %), Шароф Рашидов (8,8 %) ва Дўстлик (5,9 %) туманларда кузатилмоқда.

Жиззах вилояти бўйича хизматларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуши, фоизда

(2019 йил январь–июнь ойлари учун)

Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг кичик улушларни Янгиобод (0,8 %), Зафаробод (1,3 %) ва Арнасой (1,6 %) эгаллайди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах шаҳри – 5 817,4 млн. сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан – 122,7 % ни ташкил этди.

Туманлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати

(2019 йил январь–июнь ойлари учун)



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Бахмал (445,5 минг.сўм), Зарбдор (4 95,4 минг.сўм), Зафаробод (500,1 минг.сўм) туманларида кузатилди.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида таълим соҳасидаги хизматлар жами хизматлар ҳажмининг 4,0 фоизини ташкил этиб 73,5 млрд. сўм, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 119,9 фоизга ўсди. Ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда Дўстлик тумани (168,9 %)га ўсиб бу соҳада этакчилик қилмоқда

2019 йил январь-июнь ойларида ҳудудлар бўйича таълим соҳасида кўрсатилган хизматларнинг ўсиш суръати. (%)



Ушбу соҳада нисбатан паст ўсиш суръатлари Зарбдор (105,8 %), Бахмал (108,2 %), Зомин (109,8 %), ва Арнасой (111,1 %), туманларида кузатилди.

2019 йил январь-июнь ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар жами 32,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,6 фоизга ўсди ва жами хизматлардаги улуши 1,7 фоизни ташкил этди. Ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда энг юқори ўсиш суръати Дўстлик (195,7 %), Ғаллаорол (141,8 %) Пахтакор (138,9 %) да кузатилди.

2019 йил январь-июнь ойларида ҳудудлар бўйича соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилган хизматларнинг ўсиш суръати. (%)



Ушбу соҳада нисбатан паст ўсиш суръатлари Зафаробод (96,2 %), Арнасой (100,3 %), Янгиобод (100,9 %), ва Шароф Рашидов (101,9 %), туманларида кузатилди.